



# ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАХАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЯСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 125 (9.622) 2001 йил 26 октябрь, жума ◆ Сotувда эркин нархда

**XVI сарфоси**  
Барча мавбалардан  
олмаган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустақамлаш, унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш, қатнашчилар сонини кенгайтириш ҳамда банклараро савдо сессияларида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида, шунингдек, валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, ташқи савдо операциялари бўйича боғжона тўловлари ва ҳисобларини ҳисоблаб чиқиш тартибини мақбуллаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг чет эл валютасига талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда вужудга келган биржадан ташқари валюта бозорини 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб;
- Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан ёки унинг қафолати остида 2001 йил 1 июлгача жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш; корхоналарнинг марказлаштирилган ресурсларни экспорт қилиш ҳисобига тушадиган валюта тушумларини мажбурий сотиш операциялари бўйича валютани сотиш ва сотиб олишни эркин курсга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
- Белгилаб қўйилсинки, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек, боғжона тўловларини ва бошқа мажбурий тўловларини ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биржадан ташқари валюта бозоридаги алмашув курсини, пул массаси ва инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланган курси бўйича амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида, статистика ҳисоботида ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга etkazсинлар.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар  
Маҳкамасининг Раиси  
И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2001 йил 25 октябрь.



Сергели тумани қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой, маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Уларни бунёд этишда бошқа қурувчилар қатори шаҳримиздаги 1-конвейерли қурилиш бошқармаси ишчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

**СУРАТЛАРДА:** шу бошқарма қурувчиси Мазмур Маҳамов ва бошқарма қурувчилари томонидан бунёд этилган янги бинони кўриб турибсиз.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## МАҚСАД — АФҒОН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош қотиббининг ўринбосари Кензо Ошима бошчилигидаги делегация аъзолари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Делегациянинг Марказий Осиё минтақасидаги миссиясидан қўзланган мақсад халқаро ҳам-жамият томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистон халқи учун ажратилаётган зарур маҳсулотларни манзилга etkazишда Ўзбекистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон билан ҳамкорлик масалаларини яна бир қарра мувофиқлаштириб олишдан иборат. Қуни кеча Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокараларда айна шу масала муҳоқама қилинди. Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг уруш исканжасида азоб чекаётган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўла кўлаб-қувватлашини билдирди.

Матбуот анжуманида К. Ошима ўтказган музокаралари ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон БМТ бу ҳайрли ишни амалга ошириши учун мамлакат ҳудудидан фойдаланишига рози бўлганини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Режага кўра, юклар Афғонистон заминига Термиз

шаҳри орқали ўтказилади. Шунингдек, БМТга қарашли транспорт самолётлари Термиз аэропортидан ҳам фойдаланади. Бироқ ҳали бу операцияни амалга оширишнинг тўлиқ механизми ишлаб чиқилганича йўқ. Шу боис унинг мuddати ҳам маълум эмас. БМТ вакилларининг айтишича, озик-овқат ва кийим-кечакни иложи борича тезроқ, қиш киргунга қадар афғон қочқинларга etkazиб беришга ҳаракат қилинади. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудидан умумий ҳисобда 16 минг тоннагача юк ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасига чегарадош шимолий ҳудудларида уч миллион киши яшайдиган бўлса, шуларнинг ярми қийин аҳволда қолган қочқинлардир. Уларга ёрдам бериш учун минтақа давлатлари билан ҳамкорликда иш кўриш БМТнинг инсонпарварлик миссияси тез ва самарали амалга ошишини таъминлайди. БМТнинг Озик-овқат дастури маълумотларига кўра, айна пайтда Афғонистонга ҳар кун 1,5 минг тоннагача озик-овқат etkazиб берилмоқда. (ЎЗА).

## ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

### «Маҳалла — уйим, Ўзбекистон — Ватаним»

Қуни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Юнусота» маҳалласи аҳолиси ўртасида ўтказилган йиғилишда юқоридagi сўзлар тез-тез такрорланиб турди. Булган халқимиз қатори маҳалла ахли ҳам бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидagi халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган ҳаракатларга алоҳида эътиборни қаратмоқда. XXI аср вабоси бўлмиш ушбу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган тараққиётпарвар кучларни кўлаб-қувватламоқда. Мазкур масала бўйича мамлакатимизнинг позицияси Президент Ислол Каримовнинг Баёнотида, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган сўхбатда батафсил ифода этиб берилган. Йиғилишда мазкур ҳужжатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳар бир фуқаро бугунги кунимиз биздан огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни талаб этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— «Маҳалла — уйим, Ўзбекистон — Ватаним» деган ибратли сўзни кўп бор такрорлаб тура-миз, — дейди йиғилишда сўз олган маҳалла оқсоқоли, филолог ва фанлари доктори Саид Алимов. — Бугун сизу биз шу тамойил асосида тинч ва осойишта яшаёмиз. Мақсадимиз эса тинч. Баёнотда таъкидланганидек, «Дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбиялаямиз». Аммо бизнинг осойишта турмушимизни, мустақил сиёсатимизни, халқаро майдонда Ўзбекис-

тоннинг обрўси ортиб бораётганлигини кўр-ломайдиган кучлар ҳам бор. Бундай ғаразли кимсаларнинг баҳиш ишларини, терроризмнинг дахшатли оқибатларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. 11 сентябрда АҚШда юз берган воқеалар эса кўплаб давлатлар ва халқларнинг кўзини янада каттароқ очди. Шу боис Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан тутатиш ниятида ёвуз ниятли маразларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди. Бу курашда эса дунёдаги юздан зиёд давлатлар, тараққиётпарвар кучлар АҚШ билан бирда эканликларини баён этдилар.

Ҳозирги кунда бизнинг вазирамиз, муқаддас бурчимиз тинчликни сақлаш, уни мустақамлашдан иборатдир. Юртбошимиз даъват этганларидек, бугун ҳар биримиз «Тинчлик-осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шаҳсан мен нима иш қилмапман, шу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтага назардан бошлашимиз зарур.

Маҳалла оқсоқолидан кейин сўзга чиққан кишилар унинг фикрини тўлдириб бериш маҳаллада боқибегамлик, лоқайдлик, ўзбўларчилик иллатларига аллақачон барҳам берилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Маҳалла ахли «Ўз уйингни ўзинг асра!» шиори остида иш юритиб, ўз ҳудудидида тинчликни сақлашга эришмоқда. Бу ишда биргина фаоллар ва милиция ходимлари эмас, балки маҳалланинг барча фуқаролари бир жон, бир тан бўлиб қатнашмоқда.

(Ўз муҳбиримиз).

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиббининг ўринбосари Кензо Ошимани қабул қилди. Сўхбат чоғида Афғонистонда юзага келаётган гуманитар ҳалокатнинг таъсирини имкон қадар камайтириш, минтақада тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳоқама қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ГФР Бундестагининг (парламент) Европа Иттифоқи масалалари бўйича қўмитаси раиси Фридберт Пфлогер раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.
- Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов БМТ Бош қотиббининг ўринбосари Кензо Ошима раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.
- Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд вилоятидаги ижроси муҳоқама қилинди.
- «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда Буюк Британиянинг «ITE Group Plc» кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган навабтдаги Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ниҳоясига етди.
- Пахтакор пахта тозалаш заводига хушхабар келди. Швейцариядан олинган миннатдорчилик хатида Жиззах пахтаси толаси Халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб бериши таъкидланиб, у «Юқори сифат учун Халқаро «Женева-2001» конвенциясининг махсус совринига сазовор бўлганлиги қайд этилган.
- Пойтахтнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кунига бағишланган «БМТ — Ўзбекистонда» кўргазмаси очилди.

- Жаҳонда**
- Кеча** Россия Федерацияси Президенти В. Путин ва Италия Бош вазири С. Берлусконни Москвада халқаро терроризмга қарши кураш мавзусида сўхбатлашдилар.
  - Кеча** оқшом олинган хабарларга кўра, Шимолий альянс кучлари Мозори Шарифдан 15 қачирим узоқликда бўлган Шурча аҳоли пункти ёнида 180 нафар толибларни асирга туширишган.
  - «Рейтер» ахборот агентлиги хабарига қараганда, **кеча** Пешаворда афғон уламо ва намояндалари иштирокида бўлиб ўтган сўездда Афғонистоннинг кейинги тақдирини ва янги тузилмаж ҳукумат аъзолари билан боғлиқ масалалар юзасидан яқунловчи декларация қабул қилинган.
  - Кеча** Нью-Йоркда яна кўнгилсиз воқеа юз берди. Манхеттен туманидаги 20 қаватли улкан бинонинг қулаши барчани ҳайратда қолдирди. Дастлабки, маълумотларга қараганда ушбу фожиа оқибатида 7 нафар киши қурбон бўлган, 20 киши эса оғир тан жароҳати олган, ўнлаб одамлар бедарак йўқолган.
  - 1994 йилда халқаро террорчилар Париждаги Эйфель минорасини худди Нью-Йорк шаҳридаги Жаҳон савдо марказига ушатирилган теракт сингари портлатиш режасида бўлишган. **Кеча** Италияда чиқадиغان «Ки» журналига интервью берган Буюк Британия маҳфи ҳизматининг собиқ ходими Ричард Томлинсон айна маълумотни ошкор қилди.
  - Американинг «Марс одисси-2001» сайёраларо станцияси 460 миллион километр масофани бошиб ўтиб, Миррий орбитасига қикди. Бу ҳақда АҚШ авионавтика ва коинот бўшлиқларини тадқиқ этиш агентлиги хабар қилди.

**Булар шундай биноки...**

Миробод туманининг Шахрисабз ва Афросиёб кўчалари чорраҳасида «Габус» қурилиш фирмаси бош пудратчилигида бунёд этилаётган, барча талабларга жавоб берадиган тўртта турар жой биноси шу яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Ушбу биноларнинг коммуникация, монтаж, пардозлаш ва шу каби барча ишларини мажмур фирманинг ишчи ва хизматчилари сифатли қилиб бажаришмоқда.

Етти қаватдан иборат бўлган турар жой иншоотлари 4 ва 5 хоналарни ўз ичига олган бўлиб, бу уйларнинг ҳар бирида 64 хонадон истиқомат қилиши мумкин. Ушбу гишт-ли уйлар ўзининг ташқи кўриниши, янгигина мейморий услуби ва хоналарининг жойлашиш тартиби билан бошқа шу каби уйлардан тубдан ажралиб туради. Шунингдек, хоналар ўша хонадон соҳибларининг дидига мос равишда пардозланган. Шу билан бирга уйнинг ертўралари яшовчиларнинг машиналари турши учун замонавий қилиб қўрилган. Уйларнинг биринчи қаватидан эса турли савдо расталари минимаркетлар ва маиший хизмат қўрсатиш шохобчалари ўрин олади. Бу эса яшовчиларга янада қулайлик яратди.

— 1999 йилнинг февралда бу уйларнинг илк бор гиштини териб, қурилишни бошлаган эдик. Мана энди бу юмушларни яқунлаш арафасида турибмиз. Шунга айтиш керакки, бу бинолар жуда муस्ताҳкам ва пишиқ, ўзига хос мейморий услубда бунёд этилган. Бу фикрлар мен қурилиш жараянида шахсан ўзим ширтелик эгалигимиз сабаб айтаямкан, — деди ишбоши Александр Пак. — Бизда асосан етакчи мутахассислар, тажрибали ишчилар ишлашади. Қўраётган турар жой бинолардан ва бошқа иншоотлардан шу сабаб ҳам буюртмачилар миннатдор бўлишади. Ана шундай тажрибали бунёдкорлардан Йўлчи Султонов, Александр Ким, Ваҳоб Абдурахмоновлар ўзларига юклатилган топшириқларни вақтида сифатли қилиб бажариб келишаётир. Яқин кунларда тўртта бинони ўз эгаларига топшираемиз.

Ҳақиқатан, биз биноларнинг ички ва ташқи кўринишларини томоша қила туриб яна бир бор ақоридеги фикрларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу аjoyиб, шинам биноларда шу яқин кунларда бахтли хонадонларнинг серфайз ҳаётлари бошланади.

**ТРАНСПОРТ**

**Эл хизматида**

Орамидада шундай одамлар борки, улар ҳар кунки, ҳар дақиқада эл хизматида, доимо турли касб эгалари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин этишдан чарчамайди.

Пойтахтимиздаги «Самарқанд» шохбекати жамоаси ҳақида шундай дейиш мумкин. Шохбекатга Ф. Норхўжаев келгач, анчагина ўзгаришлар бўлди. Бу ерда замон талабларига ва йўловчилар дидига мос катта-кичик маиший хизмат устaxonалари, дўконлар, ошхоналар қурилди, эскилар қайта таъмирланди. Айниқса, орасталик, саранжом-саршатиққа эътибор қўчли. Энг муҳими, бу шохбекатдан автобусларга чикувчи йўловчилар учун барча қулайликлар бор десак хато бўлмайди. Шохбекат ичкарисида ўриндиқлар, оналар ва болалар, ҳайдовчилар учун дам олиш хоналари бор. Агар зарур бўлиб қолса телефон-автоматлар йўловчилар хизматида, маълум муддат автобус кутуб қолганлар зерикмасликлари учун болалар видеоўйинлари ишлаб турибди.

Ҳар бир жамоанинг меҳнати унда амалга оширилаётган иjobий ишлар натижаси, қўрсаткичлар салмоми билан белгиланади ва ўз баҳосига сазовор бўлади. «Самарқанд» шохбекати меҳнат аҳли ҳам ўзларига берилган топшириқларни мунтазам уддалаб келишади. Энг муҳими эса эл-юрт хурматига, одамлар раҳматига сазовор бўлишга тандир.

Обид СҮФИХОНОВ

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг саҳифаси

## Меҳнат муҳофазасига — эътибор

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига 8 йил тўлди. Ушбу Қонун ишлаб-чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назорати ўрнатилиш учун махсус ваколат берилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қосидаги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси амалга оширади. Жойларда ушбу бошқарманинг қўйи тизими — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг давлат иш шариотлари экспертизаси ва меҳнат техника инспекцияси бўлиmlари фаолият қўрсатиб келмоқда. Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг Давлат иш шариотлари экспертизаси ва меҳнат техника инспекцияси бўлими бошлиғи ўринбосари — Тошкент шаҳар Давлат меҳнат техник Бош инспектори Соибжон Ғаниевич Низомов юқоридagi фикрларимизни қуйидагича давом эттиради:

— Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қосида 13 та давлат меҳнат-техника инспектори меҳнат қилишади. Улар шаҳар ҳудудига туманларга бириктирилган бўлиб, асосан пойтахтимиз

ҳудудига жойлашган корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларининг сўзсиз бажарилиши устидан назорат олиб боради. Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан аниқланган камчиликлар бўйича мuddатли ёзма кўрсатмалар берилиб жавобгар шахсларга нисбатан қўнун асосида маъмурий чоралар қўрилади.

Масалан, шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан иш режасига асосан корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилиши устидан 175 та корхонада назорат ишлари олиб борилди. Оналар ва болалар йили муносабати билан текширишлар мобайнида аёллар, балоғат ёшига етмаган шахслар меҳнатни муҳофазаси талаблари бажарилишига катта эътибор берилмоқда.

Зарарли ва ҳавфли касб эгалари иш жойларини шаҳодатлаш бўйича махсус лабораториялар бажарган ишлари 47 та корхонага ҳулоса қилиб берилди. Аниқланган камчиликлар бўйича 175 та мuddатли ёзма кўрсатмалар берилди. Қўнун талаблари бузилишига йўл қўйган 135 нафар мансабдор шахсга нисбатан 1199000 сўм миқдорда жарима қўлланилди. Қўнун талаблари мунтазам равишда бузилишига йўл қўйган 4 нафар мансабдор шахсни эгзаллаб турган лавозимидан озод қилиш бўйича тақлифлар киритилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига тааллуқли бўлган фуқаролардан келиб турган 13 та ариза ва шикоятлар жойларга бориб, урганиб

чиқилиб, иjobий ҳал этилди. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ходимлардан 184 киши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус ўқишларга тақлиф этилиб, ҳуқуқий билим савияларини ошириш мақсадида имтихонлар олинди. Мунтазам равишда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини тарғибот бўлган мақсадида корхона ва ташкилотларда кенгайтирилган мажлислар олиб борилмоқда.

Афсуски «гуруч курмақсиз бўлмайди» деганларидек, баъзи бир иш берувчи ва жавобгар мутасадди раҳбарларнинг ўзларига юклатилган мажбуриятларга эътиборсизлиги туфайли, қўнун талабларини билмаслиғи ва бажармаслиғи, «Менинг корхонамда бахтсиз ҳодиса бўлмайди» қабилида иш тўтишлари оқибатида ҳалихануз ишлаб чиқаришларда бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши учраб турибди. Ишлаб чиқаришда содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида давлат меҳнат техник инспекторлари тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Қўнун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан чоралар қўрилаётир.

Оқорида қўрсатиб ўтилган ишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг 28 фоизга камайишига эришилди. Шунга таъкидламоқчиманки, ҳар бир инсон меҳнат қилиб, меҳнатининг рохатини қўрсин. Эрталаб ишга кетган инсон ишдан кейин соғ-омон уйига ўз биласига қайтсин. Бунинг учун ҳок раҳбар, ҳок ишчи бўлайлик, ҳар биримиз доимо меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини сўзсиз бажаришимиз шарт.

Одил ҲАСАНОВ

### Маҳаллада ярмарка

Шаҳримиз туманларида ўтказилаётган ярмаркаларнинг маҳаллаларда ҳам ўтказилиши тобора анъанaga айланиб бораётганлиги қувонарлидир. Ана шундай меҳнат ярмаркаси Акмал Икромов туманидаги Ойбек маҳалласида бўлиб ўтди. Унда тумандаги 16 та корхона ва ташкилотлардаги турли мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари меҳнат билан банд бўлмаган маҳалла аҳлига ҳавола этилди.

Мажмур ярмаркага тумандаги 38 та маҳалладан 466 нафар ишсиз фуқаролар иштирок этиб, ўзларига муносиб бўлган касбларни танлаб олишга муюссар бўлишди.

— Аксарият ҳолларда таниш-билишларимиз оилаб иш қидиришади. Шунда ҳам ўзига ёқаганин иш жойи тополмайди. Қарангки, бундай меҳнат ярмаркаларида бир неча дақиқалар ичида иш топиб ва бу тўғрида барча маълумотга ҳам эга бўлмоқдасиз, — деди ярмарка иштирокчиларидан бири Хасан Эрназаров. — Бу ерда нафақат ишга жойлашиш, балки ёшларимиз учун ўқиш курслари ҳам жорий этилган экан, бундан биз жуда хурсандимиз. Бундай ярмаркаларни ўтказишнинг аҳолига яқин жуда катта. Чунки аҳоли ўртасида «Ҳақиқатан ҳам мана бундай корхоналарда яқин шариотлар бор экан» деган фикр уйғониб, бошқаларга ҳам бунга бевосита етказишади.

— Бундай ярмаркада илк бор қатнашимиз. Ўзим учун айрим маълумотларга эга бўлдим. Ҳақиқатан, ярмарка яқин ташкил этилган бўлиб, ишсиз аҳоли учун яна бир қулайлик деб биламан, — деди Сулайхо Исмоилова. — Айниқса ярмарканинг маҳаллада бўлиб ўтаётганилиги қувонарли ҳолдир.

Олим ХАЛИЛОВ



### Муаммолар бўлмайди

Бугунги кунда ёшларга шундай қулайликлар яратилаётирки бунга сўз билан ифодалаш қийин. Хусусан, таълим, касбга йўналтириш, чет элларда ўқитиш, уларнинг ҳуқуқий маъданитини оширишда яратилган шароитлар мактовга сазовордир. Чунки келажакимиз ворислари бўлиши ёшларни қанчалик қўллаб-қувватласак, эртанги кунимиз шунчалик фаровон бўлади.

Миробод туманининг меҳнат бўлими томонидан ташкил этилган «Ёшлар» ярмаркасида ҳам тумандаги иш билан банд бўлмаган ёшлар ўзларига муносиб иш жойлар топиб, ўқув курсларида ўқиш учун йўланмалар олди.

— Бундан бир неча ҳафта олдин фақат хотин-қизлар учун худди шундай меҳнат ярмаркасини ўтказган эдик. Албатта икки ярмарка ҳам бир-биридан фарқли ўларок уюшқоқлик билан ўтказилди, — деди туман меҳнат бўлими раҳбари Лайло Тимкина. — Биз бу гал ярмаркани ташкил этишда аввало олдинги ўтказилган ярмаркаларда йўл қўйилган камчиликларни тўзатган ҳолда ишларимизни режалаштирдик. Бундан аҳолини хабардор этиш учун Ўзбекистон телевидениесининг «Тошкент» телеканали, «Ёшлар» радиоканали, матбуот саҳифалари орқали ҳамда 40 дан зиёд маҳаллаларга эълон бердик. Шунингдек ярмарканинг янада кизиқарилиши учун «Сарикўл» маҳалласидан бадий ҳаваскорлар жамоасини тақлиф этдик. Уни ўтказиш борасида ташкилий гуруҳ тузилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан тумандаги 20 та кор-

хона вакиллари иштирокида семинар-йиғилиш ўтказилди. Бундан ташқари ярмаркада Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, туман ҳокимлиғи, Тошкент шаҳар ўқув маркази ва Миробод туманида жойлашган маҳаллалар, олий ўқув юртилари, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, ўрта мактаб ва корхоналардан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Айни пайтда туманимизда бўш иш жойлари 1267 тани ташкил этади. Ярмаркада 830 нафарга яқин аҳоли иштирок этиб, шулардан 491 нафардан ортинги ўқиниши битирishi арафасида турган ёшлардир. Шунингдек маҳаллалардан келган 339 нафар фуқарога кизиқтирган масалалар юзасидан масалатлар берилди. Умумий иштирокчиларнинг 158 нафарига ишга жойлаштириш, 70 нафарини 7 фоизли махсус иш жойларига, 60 нафарига эса турли касбларга ўқишга ва 51 нафарига шаҳар бўйича Электр хисоблаш машинаси орқали йўланмалар берилди.

Бу ярмаркада шу нарса аниқ бўлдики, ҳали айрим ёшларимиз туманларда меҳнат бўлиmlари фа-

олият юритаётганлигини билишмайди. Ёки 3-4 йил ишсиз юришса ҳам бизга мурожаат қилмайдилар. Балки бунда бизнинг ҳам айбимиз бордир. Биздан қўлгина ташкилотлар тажрибали, бир неча йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларни сурашади. Аммо таъбиийки, бизга мурожаат қилаётган ёшларимизнинг аксарият қисми олий ёки ўрта махсус ўқув юртиларини эндигина тугатиб келишган бўлади. Бунинг баъчаси ўз навбатида бизда ҳам айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай бўлсада биз бу масалаларни туман ҳокимлиғи, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамжиҳатликда иjobий ҳал қилиб келмоқдамиз.

Шу нарсани алоҳида айтмоқчиманки, шанба ва яқшанба кунларидан ташқари ҳар кун 9.00дан 18.00гача Миробод туманида истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини қисқа мuddатларда турли касбларга ўргатиш бўйича ўқиш курсларида ўқитиш ва иш билан таъминлаш юзасидан тақлиф қиламиз. Агар улар бу тўғрида маълумотлар олмоқчи бўлсалар 55-86-38 ёки 54-46-69 телефонлари орқали қўнғирок қилишлари мумкин.

Очил ҲАЗРАТОВ  
СУРАТЛАРДА: «Ёшлар» ярмаркасидан лавҳалар.  
Сергей Любичч олган суратлар.



Душанба

29

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Талимон»
8.45, 17.55 ТВ марказ
8.50 «Ўзбекистоннинг намойиши»
9.10, 10.35 ТВ марказ
9.15 «Ҳайрат хитлари»
9.35 «Шарки ва Ҳор» Мультсериял
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Олтин тоқ» Телевизион ўйини
10.30 «Кичик оролдаги саргуштар» Бадий фильм
11.35 Дони Зокиров номидagi халқ шоу орастрояне концерти
12.05 «Шоуру клуби»
12.25 Телевизион миниатюралар театри
12.35 «Олам» Телевизион
13.30 Тажиклар буйча Ўзбекистон кубоги
14.10 ТВ-1 намойиш этакди
14.25 Кундаги сенив: «Товламан» Бадий фильм
15.55 ТВ аниме
16.00 «Бу акти фасл» Телевизион
16.25 «Зиё» студияси намойиш этакди
16.55 Муҳаммад мустақиллик йилда»
17.55 М. Шайхозода «Мирзо Улуғбек» Телевизион премьераси
1-қисм, 18.10 «Танафус» Мультфильм
18.20 «Ўзбекистон фуқароси»
18.35 «Табрият»
18.50 «Бахти воқеа» Телевизион
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Осиё ортиқлари
20.15 Биринчи ва беш хабарлари
21.00 «Ахборот»
21.05 «Ахборот» пилос»
21.15 Ўзбекистон халқ артистлари
21.35 «Ақр муаммоси» - 1-қисм
22.05 «Манайлар» дастури
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Трактор» - «Нефчи»
23.20 «Ахборот»
23.55-00.00 Ватан тиласолари.

20.05 «Ошиқона» Мусийий дастури
19.45 ТВДА сериал: «Лука Ферранда»
19.30, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси
19.45 «Биласими?»
20.20 ТВДА сериал: «Селеста»
21.20 «Доларб мазун»
21.45 Алишер Навоий ҳақида ривоятлар. «Шехода Фароб Мирзо» 8-қисм
22.30 «Халқ сепатини буйдан»
22.55 «Биринчи бўлиш» Кисса метражи бадий фильм
23.45 Кинотеатр. «Земга қайтиш» 1-қисм
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим»

РЖТ 6.30 - 8.00
13.00-14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
14.00 Кўрсатувлар тартиби.
14.05 «Мультфильмлар»
14.30 СРҲ тақдим этакди. «22-Бутуқон ширк фестивали»
15.00 «Рай Бредбери театри»
15.55 «Пласидо Доминго» концерти
17.00 «Бести»
17.25 «Муаббат қанотлари»
17.55 «Буғун оламда» Ахборот кўрсатувлари
18.25 М. Евдокимов хузурда меҳмонда
19.00 «Муаббат замини» Сериал
19.00 «Дар» Ахборот дастури
19.30 Итисод-пелмс
19.35 ТВ-аниме
19.40 Тарафдор филмлари
19.55 Эрта сунги кудларлар
20.15 Эрта сунги кудларлар
20.20 Ешлар овози
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Аёл зоти» Бадий фильм
21.20 Буюк аждарларимиз
21.30 Қиллоҳдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 «Дар» Ахборот дастури
22.30 Итисод-пелмс
22.40 «Филм Марлоу» Телевизион
1-қисм
23.05 «Ешлар» телеканалда спорт. Интерфутбол (Танафус пайнда - 23.50 «Дар» Ахборот дастури)
00.50-00.55 Хайрли тун!

16.55 Дастируни очилиши
17.00, 20.10 «Ўзбекистонда ишланган»
17.05, 20.15 «Телемакор»
17.30 «Канди-Канди» Мультсериял
18.00 «Шадлола ва гузаллар» Телевизион
18.25 «30-канал» киношоши
18.35 «Бирлар» Саргузашт фильм
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пой-пай»

Сешанба

30

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ марказ
8.40 Газетлар шарҳи
8.55 «Ўзбекистоннинг намойиши»
9.10, 10.35 ТВ марказ
9.15 «Шарки ва Ҳор» Мультсериял
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Ақр муаммоси» - 1-қисм
10.35 «Робинзон Крузонин қайти ва ақойиб саргузаштлари» Бадий фильм
12.05 «Кўшол ҳақида ўйлар»
12.25, 15.55 ТВ аниме
12.30 Жаҳон киноси олдларлари
12.50 «Ахборот» пилос»
13.30 М. Шайхозода «Мирзо Улуғбек» Телевизион премьераси
1-қисм
16.55 «Ватанимга хизмет қилман»
18.10 «Мун-трол ва кометлар» Мультфильм премьераси
18.25 «Орзулар доғисини»
18.35 «Онам кўнчин» Телевизион
19.05 «Мулк»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Осиё ортиқлари
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Синаст оламда»
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар
21.45 «23, 5 даражаи бурчак остида» Телевизион премьераси
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Дустлик» - «Сурхон»
22.55 «Ахборот»
23.30-23.35 Ватан тиласолари.

23.50 Кинотеатр. «Земга қайтиш» 12-қисм
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим»
РЖТ 6.30 - 8.00
13.00-14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
14.00 Кўрсатувлар тартиби.
14.05 «Мультфильмлар»
14.30 СРҲ тақдим этакди. «XXI Бутуқон ширк фестивали»
15.00 «Рай Бредбери театри»
15.55 Ақр арфосиси. «АББА» концерти
16.55 «Арабша» Ҳажий киножурнали
17.00 «Бести»
17.25 «Муаббат қанотлари»
17.55 «Буғун оламда» Ахборот кўрсатувлари
18.25 Кутарувилар. Тезкор бозар
19.00 «Муаббат замини» Сериал
20.00 «Бурш халқа» Шоу ўйини
20.15 «Дар» Ахборот дастури
21.35 «Зарбод куч» 3-Сериал
22.45 «Хўр»
23.00 «Буғун оламда» Ахборот кўрсатувлари
23.15 Кинематограф. «Доктор Иваниц сирини» Бадий фильм
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунинг осида бўлиш»

9.00 Дастируни очилиши
9.05, 11.30 «Ўзбекистонда ишланган»
9.10, 11.35 «Телемакор»
9.30 «30-канал» киношоши
10.30 «Жаҳонлар саяёти» Спорт дастури
11.00 «Малколм Ҳидла» Ҳажий фильм
16.55 Дастируни очилиши
17.00, 20.15 «Ўзбекистонда ишланган»
17.05, 20.15 «Телемакор»
17.30 «Канди-Канди» Мультсериял
18.00 «Шадлола ва гузаллар» Телевизион
18.25 «30-канал» киношоши
20.05 «Ошиқона» Мусийий дастури
20.40 «Клел-сога» Телевизион
21.15 «Хайрли тун, кичикотлар»
21.55 «30-канал» киношоши
22.30 «30-канал» киношоши
22.45 «30-канал» киношоши
22.55 «30-канал» киношоши
23.00 «30-канал» киношоши
23.05 «30-канал» киношоши
23.10 «30-канал» киношоши
23.15 «30-канал» киношоши
23.20 «30-канал» киношоши
23.25 «30-канал» киношоши
23.30 «30-канал» киношоши
23.35 «30-канал» киношоши
23.40 «30-канал» киношоши
23.45 «30-канал» киношоши
23.50 «30-канал» киношоши
23.55 «30-канал» киношоши
00.00 «30-канал» киношоши

9.15 «Марс ҳужум қилди» Фантастик фильм
11.30 «Фитил» Ҳажий киножурнали
11.55 «Қўрғонли илон» Детектив
12.30 «Аёл қилги нимани истайди?» К. Новикова ва Е. Яковлева билан тоқ-шоу
14.30 Премьера. «Муаббат қанотлари» Телевизион (Аргентина)
15.25 «Войвай фаршлат» Телевизион
16.20 «FM ва болалар» Узоқлар учун сериал
18.00 «Земга қайтиш» Телевизион
19.00 Премьера. А. Арсланова, М. Молгавская, И. Бочков, Ю. Рутберг ва Н. Чиндикин «Москва даразалари» телевизионда
20.55 Кечини савис. Д. Сува «Агата Кристининг Пуароси. Соқо гувоҳ» детективда
23.40 Сунити савис. «Жаҳанг қалитлари» Детектив

8.45, 17.35, 20.45, 03.20 Йул назорати
9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 15.55 «Мангу далаят» Сериал
17.00 «Кир базим»
18.00 Кечини янгиларлар
18.25 «Қушдан энди бўлиш» М. Евдокимов хузурда меҳмонда
20.00 Мени куттиб
20.00 «Време»
21.35 «Зарбод куч» 3-Сериал
22.45 «Мустайл кучи»
23.30 Тунги «Време»
23.50 «Футболда» В. Гусев билан
00.30 «Паранормал ҳодисалар. Епик ҳужжат»
8.45, 17.35, 20.45, 03.20 Йул назорати
9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 15.55 «Мангу далаят» Сериал
17.00 «Кир базим»
18.00 Кечини янгиларлар
18.25 «Қушдан энди бўлиш» М. Евдокимов хузурда меҳмонда
20.00 Мени куттиб
20.00 «Време»
21.35 «Зарбод куч» 3-Сериал
22.45 «Мустайл кучи»
23.30 Тунги «Време»
23.50 «Футболда» В. Гусев билан
00.30 «Паранормал ҳодисалар. Епик ҳужжат»
17.25 «Харидингиз учун раҳмат» Телевизион
17.55 Дунинг 100 та муҳижат «Мексикаликлар. Ҳазрати ҳақида»
19.35 «XX арнинг энг шоҳшувли хижоатлари» Сериал
23.35 «Ироқини ўқин»
23.50 «Унлиган полк» Е. Кириченко билан
10.00 «Кирлар»
10.15 Шайбаи ҳожий бўйна Россия чемпионати «Спарта» - «ЦСКА»

22.00 «Собиклар итфонки». А. Деносовнинг ҳужжати фильми. Беларусь
23.40 Сунити савис. Л. Нильсон «Гоним тини» ўқир оқишети фильмида
8.45, 17.35, 20.40, 03.10 Йул назорати
9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 15.55 «Мангу далаят» Сериал
23.00 «Шу дама»
9.10, 9.40, 10.10 «Кундан кунга»
10.40, 23.35 «Кирқини ўқин»
10.50 «Қасда-қасдида»
11.25, 21.45 «Изувлар» Сериал
16.20, 20.10, 02.40 «Ойна ортда»
17.25 «Харидингиз учун раҳмат» Телевизион
17.55 Дунинг 100 та муҳижат «Мексикаликлар. Ҳазрати ҳақида»
19.35 «XX арнинг энг шоҳшувли хижоатлари» Сериал
23.35 «Ироқини ўқин»
23.50 «Унлиган полк» Е. Кириченко билан
10.00 «Кирлар»
10.15 Шайбаи ҳожий бўйна Россия чемпионати «Спарта» - «ЦСКА»

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Буғун»
7.15, 8.25, 16.25, 20.40 «Криминал»
7.20, 8.30, 14.30 «Нафи тағалиди»
7.30, 14.45 «Афиша»
7.40, 14.40 «Биз севган жониворлар»
7.45, 8.40 «Узатма вал»
7.50 «Новожен билан беш дақиқа»
8.15 «Муай гуллар»
8.55, 19.35 «Тез ёрдам» Сериал
10.20 «Мақорол»
11.05 Е. Степанович шустри
12.20 Бизнинг кино. И. Миршоченно ва А. Беловский «Улар ку таниш энди» фильмида
14.55 «Киролма Марго» Сериал
16.45 «Гузалик максади» Сериал
18.30 «Буржуйнинг туғилган кун» - 2-Сериал
21.50 Футбол. Чемпионлар лигаси «Локомотив» (Москва) - «Реал» (Мадрид). Турдан-турги илб кўрсатилди
00.55 Гордон

18.10 ОР канал
18.35 Кўрсатилган телефильм: «Қадимги қалъа» 1-серия
Давжано номидagi кинодасти
20.00 Алло Россия!
20.30, 02.30 «Факт» Информационная дастури
20.45, 02.45 Постфактум
21.30, 06.00 «МАЙОР ЗЕМАННИНГ 30 ХИЛ КИРДИКОРИ» Телевизион («Чехословакия») 1-серия
«1945 ЙИЛ. ОТАШПАРТАР»
23.15 Сафаратликлар савис
01.30, 05.35 «Қатта тавсия этакди» «Даррлар нафоси»
02.00 «Фанатик ва дарлар» Сериал (Франция)
07.05 Факт илблар учун
07.30 Тунги мусика

8.00 «Хайрли» Тонги кечали
10.55 Кўрсатувлар дастури
11.00 «Магдаленнинг осида ахтирлариси» Телевизион (Бразилия)
12.00 Россия бўйлаб саяжат
12.00, 17.20 Теледонлар
13.00, 16.00, 18.00, 22.00 Вокзаллар Москва хабарлари
13.15, 00.45 Петровка, 38
13.25 «Сана» Телевизион
14.15 Русчадан сабоқлар. Халқ ортқилари
14.35 «Ҳажикат дақиқалари» А. Караваловнинг муаллифлик дастури
15.30 Ийбларимон Москва
16.15 «Инспектор Кресс» Детектив. Ешлар дастури
17.30 «Қатта валс», Бадий фильм
18.30 Мультларид
19.15 «Тилоросий Москва»
19.45 «Генерал» Ҳужжати фильм
20.15 «Антимон»
21.00 «Узурторлари» Телевизион
21.50 Ийбларимон Москва билан беш дақиқа
22.40 Муам папка
22.05 Об-хаво муаллимлари
23.15 «Мен яшайган уй» Бадий фильм
01.15 Времеко
01.45 Петровка, 38
02.00 «25-сон» Вокзаллар Москва хабарлари
02.20 Тунги пароз
02.55 Мусийий патруль

2.45 Постфактум
2.55 «ДЖУЗЕПЕ ВЕРДИ» Телевизион (Италия) 9-серия
«КЕСКА СЕРГАР»
4.05 «ТУРТ ТАНКИ ВА БИР ИТ» Телевизион (Польша) 21-серия
5.10 «Эз акли билан» Ешлар дастури
5.35 «С. Осиашилли тақлиф этакди»
6.00 «МАЙОР ЗЕМАННИНГ 30 ХИЛ КИРДИКОРИ» Телевизион («Чехословакия») 2-серия
«1945 ЙИЛ. ОТАШПАРТАР»
6.55 Факт илблар учун
7.35 Тунги қўшиқ

8.00 «Хайрли» Тонги кечали
10.55 Кўрсатувлар ёмчирини
11.00 Кўрсатувлар дастури
11.05 «Магдаленнинг осида ахтирлариси» Телевизион (Бразилия)
12.05 Муам папка
12.40, 17.20 Теледонлар
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Вокзаллар Москва хабарлари
13.15, 01.45 Петровка, 38
13.25 «Сана» телеканал
14.15 Русчадан сабоқлар
14.30 «Ҳайқир-кириқилари» Телевизион
15.30 Ийбларимон Москва билан беш дақиқа
22.15 Шадрга брук куз билан
23.20 Об-хаво муаллимлари
23.30 «ОЛТИН ЛАНГАР» ЭҒАСИ» Детектив
01.15 Времеко
02.00 «25-сон» Вокзаллар Москва хабарлари
02.20 Тунги пароз
0.55 «Ойик лойка» Ешлар канал
0.50 «ҚАЗО» операдиси» Телевизион (АҚШ)

Чоршанба 31

9.30 «Янги виллои студияси: «Калинг, танашайли». «Олтин калит».

20.20 ТВда сериал: «Салест». 21.20 «Субботада».

16.20 «Оддий қайдиқлар». Телевизион (Индонезия).

Телевизион (Италия). 1-серия. 3.50 «Пирад».

Пайшанба 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Абзорот».

20.20 ТВда сериал: «Салест». 21.30 «Бобур». Видеополем. 1-кун.

8.45, 17.35, 20.40, 03.10 Йул назорати.

8.00 Мультфильмлар: «Учар қоғон». «Бобо қандай қилиб мулоқозатни йўқотди».

Жума

2

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Аборт» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи 9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Ҳурлиқ куюл» 9.10, 10.25 ТВ мөтөө 9.15 Болалар уюни «Қулач» 9.35 «Шарҳи ва Жорж» Мультисериал 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва замин» 10.30 «Алмон елкалар» Бадий фильм 11.55, 13.55 ТВ аниме 12.05 «Сенат олимпиада» 12.25 «Озод оқ сарма» Бадий-публицистик кураш 12.45 «Ўзбекистон: ХХI асрда» 13.05 «23.5 даражали буржас оқида» Телевизиал, 37-кисм 13.30 «Саҳна ҳаёти» 14.10 «Башарат» Тележурнал 14.30 Кундаги савис: «Гирланган» Бадий фильм 16.10 «Жаворидлар хазинаси» 16.25 «Қириқлар жонланган» 16.45 «Соз сирми» 17.05 «Навилтон Кросс» Телевизиал, 5-кисм 18.10 «Сайбатчи қурбақа» Мультисериал 18.25 Болалар уюни «Кичкинтоймак ҳовитоймак» 18.45 «Авестонинг 2700 йилги олимпиада» «Мен хақида сўзлашувчи» 5-кисм 19.05 «Иккинчи» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Аборт» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталари 20.15 «Тиббиёт олимлари» 20.30 «Аборт» 21.05 «Аборт» плас 21.15 Ўзбекистон халқ ҳоҳишлари 21.35 «Тайлим таравоити» 21.50 «Буюк ақлоқларимиз» Мотуридий, 4-кисм 22.15 «Олам» Телевизаманх 22.50 «Аборт» 23.25-23.30 Ватан тилмолари

8.55 Қўрашлар дастури 9.00 «Давр» Аборт дастури 9.15 «Янги алоқа» студияси: «Катта танқид» 9.40 Мен: бир тасвир 10.00 «Давр»-интервью 10.15 «Озод оқ сарма» Визаофилим 10.30 «Бўрилар хақида хақиқат» Хужжатли фильм 11.20 Ёшлар овози 11.40 Ёшлар 12.00 «Ҳақиқат чегараси» Телевизиал 12.25 Мультисериал 12.35 Интернетбул 14.00 Озод билан олам-оз 14.25 «Қўш қон» намоиши: «Сенат оқ сарма» Телевизиал 15.10 «Аёл элти» Телевизиал 15.40 «Шавкатли қисса Абевит» хақида хисса, Бадий фильм 17.05 Қўрашлар дастури 17.10 «Янги алоқа» студияси: «У ким? Бу нима?» 17.30 «Мультитомаша» 18.00 Қўли тул уста 18.20 Ёшлар овози 18.40 Орди сўз 18.55, 21.55 Иқлим 19.00 «Давр» Аборт дастури 19.30 Иқтисод-News 19.35 Азиям: шахсий масала 20.05 Алтосанат 20.20 Асп қиёфаси 20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар 20.45 «Аёл элти» Телевизиал 20.48 Жар оқида 21.50 Олтин мерос 22.05 «Давр» Аборт дастури 22.30 Иқтисод-News 22.35 «Филип Марлоу» Телевизиал, 5-кисм 23.05 «Янги» телеканалда спорт: «Ринг ҳурлиқлари» 00.05 «Давр» Аборт дастури 00.20-00.25 Мунаввар тонг ислаб 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Аборт» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталари 20.15 «Тиббиёт олимлари» 20.30 «Аборт» 21.05 «Аборт» плас 21.15 Ўзбекистон халқ ҳоҳишлари 21.35 «Тайлим таравоити» 21.50 «Буюк ақлоқларимиз» Мотуридий, 4-кисм 22.15 «Олам» Телевизаманх 22.50 «Аборт» 23.25-23.30 Ватан тилмолари

ниқи ишлар Бош бошқармаси матбуот маркази хабар қилади: 20.20 ТВда сериал: «Сенат», 21.30 «Бўйур», Видеофильм, 2-кисм. 22.00 «Ҳамшаҳарлар» 22.35 «Саломатлик маскани» 23.10 Киноинсон, «Эдмига қайтиш» 15-кисм. 23.50-23.55 «Ҳайри тун, шаҳрим» 14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 16.00 Қўрашлар тартиби 16.25 «Янги Брэдбери театри» Сериал 17.00 «Вестн» 17.25 «Мухаббат канолатари» Сериал 18.10 «Бўғун олам» Аборт қўрашлари 18.25 Хужжатли дактила 19.00 «Мухаббат замини» Сериал 20.00 «Мухаббат майдони» 21.00 «Врема» 21.35 «Ўз-ўзига режиссура» 22.20 «Ўзгил қириқлар» пайван: Шу дастур 22.50 «Дурдашан» 23.15 Киноинг олтин асри: «Ёмғирда куйовчи» Бадий фильм 00.55 «Аборт» (рус тилида) 1.20 Тунгики ошда бўлсин!» 9.05 Дастурини очилши 9.05, 11.30 «Ўзбекистонда ишланган» 9.30 «30-каналда болалар соати» 8.30 «Миллий даромад» 8.35 «Милг ва бир ум» 9.15 «Оилавий сирлар» Кўп сериали Бадий фильм 10.10 «Биринчи Халқаро болалар кинофестивали» Социал оиди қўрашлари 11.30 «Санта-Барбара» Телевизиал 12.25 «Эдмига қайтиш» Мелодрама 13.30 «Аёл қўли нимага ислайди?» К. Новикова ва Э. Юзефова билан тунг 14.30 «Мухаббат канолатари» Телевизиал 15.25 «Бойки фарлиқлар» Телевизиал 16.20 «Оддий хақиқатлар» Телевизиал 17.30 «КНИ сайраси» 18.00 «Матбуот клуби» 19.00 «Москва даразалири» Телевизиал 20.55 Премьера. Н. Басков «Мен 25 ёшдаман»

00.05 Сўнгги савис: Д. Суэйл, Ж. Айрон ва М. Грэфити «Лотли» фильмда. 8.45, 17.35, 20.45, 03.50 Йул назорати 9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00 «Шу дамда» 9.10, 9.40, 10.10, 10.40 «Кунда кунга» 10.40 «Қириқчи ўқиринг» 10.50 «Қудсиа-қасида» 11.25, 21.45 «Тергов сирлари» Сериал 12.20 «Менинг кинои» В. Мероже билан 13.25, 00.20 «Қириқлар сизга кўнади» 2-сериал 13.25 «Иксонит чегарасидан ташқари» И. Усаев билан 15.20 «Детектив Наб Брэддок» Сериал 16.20, 20.10, 01.15 «Ойна орида» 17.25 «Ҳаридиқиз учун рақамат» Телевизиал 17.55 Дунёнинг 100 та муҳимаси: «Сирли ероти олами» 19.35 «Ўз эринг азг-шувилди экинотларинг» Сериал 20.00 «Халқ овози» ток-шоуси С. Соронга билан 01.30 «Қирлар» 02.10 Премьера «Очи санолар» — 2001. Янги мингйилги оми маданияти. 1-фильм 7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 21.00, 24.00 «Бугун» 7.15, 8.25, 16.30, 20.30 «Криминал» 7.30, 8.30, 14.30 «Нефи тағдири» 7.30, 14.45 «Ишчи» 7.40, 14.40 «Биз оевган жониворлар» 7.45, 8.40 «Ўзатма фил» 7.50 «Новосанган билан беш давлат» 8.15 «Алмай гуллар» 8.55 «Олам-оз урашура» 9.25 «Кекса ота-оналар» 10.25 «Духот қиришури» 11.20 «Мен ва итти» дў-шоуси 12.25 Бизнинг кано Г. Шуко ва И. Пиланов «Марсда» кувендан қонди фильмда 14.55 «Қириқна Марго» Сериал 16.45 «Ўзгиллик маскани» Телевизиал 18.30 «Пелли-чарт» 19.20 Бизнинг кино «Қутилик қиз» фильмда 21.40 «Ўз эрининг» 23.10 О. Пушкининг «Аёл нигои»

00.45 «Криминал Россия» 01.20 НТВда премьера. С. Кинг романи асосида «Тунги ойна» дахлатлар фильмда. 8.00 Мультисериал программа «Билар, қаерга улканг?» «Каттичи Вилсон» 8.30, 11.30, 13.30, 17.30, 23.30, 5.30 Информацион дастур 8.35 «АРАБЕЛА КАЙТАЙТИ» Болалар уюни телевизиал (Чехия) 17-сериал 9.05 «Очи йил» Мусий дастур 9.20 Фан янгиликлари 9.35 Мультисериал «Павирисун саргузаштлари» (Франция) 6-сериал 10.00 «Одамлар ва дарлар» Сериал (Франция) 10.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал 11.35 XX аср кинематографи. Бадий фильм «50F». Словакия 13.15 Диванда дўнон 13.40 «Хёт икки-иқриқлар» Телевизиал 14.30 Шайбалири Москва 16.15 «Икселтор Кросс» Детектив сериал 17.30 «Жилванлаган табиат» Телевизиал (Япония) 18.00 Худудлар тўри таларфузи 18.30 Олга юривчилик 19.15 «Гилворский Москва» 19.45 «Горьки» тележурнали 20.15 «Non-stop» мадони 21.00 «УЗУРПАТОРША» Телевизиал 21.50 Шайбалири Москва билан беш далик 22.45 Минтақалар оу минифутил «Дина» (Россия) 23.35 «Бразилия» «Ўзбекистонда ишланган» фильмда 00.20 Оё-оша мультиметради 00.30 Дастур-шоу 01.20 Времокеч 02.00 «23-ошан» Вокзалар Москва халқларида 02.20 Рус аери 03.00 «КНИГИСИЗЛИКЛАР» Комедия (АҚШ) 9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids» «Икселтор Кросс» Мультисериал (АҚШ) 9.30, 19.00 REN TV да «Fox Kids» «Кўкуки» Мультисериал (АҚШ) 10.00, 18.00 REN TV да «Fox Kids» «Қириқ Арту ва кўрмас ва беминат ришлар» 3-сериал 03.50 «Ўз ақли билан» Б. Шар дастури 01.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал

00.45 «Криминал Россия» 01.20 НТВда премьера. С. Кинг романи асосида «Тунги ойна» дахлатлар фильмда. 8.00 Мультисериал программа «Билар, қаерга улканг?» «Каттичи Вилсон» 8.30, 11.30, 13.30, 17.30, 23.30, 5.30 Информацион дастур 8.35 «АРАБЕЛА КАЙТАЙТИ» Болалар уюни телевизиал (Чехия) 17-сериал 9.05 «Очи йил» Мусий дастур 9.20 Фан янгиликлари 9.35 Мультисериал «Павирисун саргузаштлари» (Франция) 6-сериал 10.00 «Одамлар ва дарлар» Сериал (Франция) 10.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал 11.35 XX аср кинематографи. Бадий фильм «50F». Словакия 13.15 Диванда дўнон 13.40 «Хёт икки-иқриқлар» Телевизиал 14.30 Шайбалири Москва 16.15 «Икселтор Кросс» Детектив сериал 17.30 «Жилванлаган табиат» Телевизиал (Япония) 18.00 Худудлар тўри таларфузи 18.30 Олга юривчилик 19.15 «Гилворский Москва» 19.45 «Горьки» тележурнали 20.15 «Non-stop» мадони 21.00 «УЗУРПАТОРША» Телевизиал 21.50 Шайбалири Москва билан беш далик 22.45 Минтақалар оу минифутил «Дина» (Россия) 23.35 «Бразилия» «Ўзбекистонда ишланган» фильмда 00.20 Оё-оша мультиметради 00.30 Дастур-шоу 01.20 Времокеч 02.00 «23-ошан» Вокзалар Москва халқларида 02.20 Рус аери 03.00 «КНИГИСИЗЛИКЛАР» Комедия (АҚШ) 9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids» «Икселтор Кросс» Мультисериал (АҚШ) 9.30, 19.00 REN TV да «Fox Kids» «Кўкуки» Мультисериал (АҚШ) 10.00, 18.00 REN TV да «Fox Kids» «Қириқ Арту ва кўрмас ва беминат ришлар» 3-сериал 03.50 «Ўз ақли билан» Б. Шар дастури 01.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал

00.45 «Криминал Россия» 01.20 НТВда премьера. С. Кинг романи асосида «Тунги ойна» дахлатлар фильмда. 8.00 Мультисериал программа «Билар, қаерга улканг?» «Каттичи Вилсон» 8.30, 11.30, 13.30, 17.30, 23.30, 5.30 Информацион дастур 8.35 «АРАБЕЛА КАЙТАЙТИ» Болалар уюни телевизиал (Чехия) 17-сериал 9.05 «Очи йил» Мусий дастур 9.20 Фан янгиликлари 9.35 Мультисериал «Павирисун саргузаштлари» (Франция) 6-сериал 10.00 «Одамлар ва дарлар» Сериал (Франция) 10.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал 11.35 XX аср кинематографи. Бадий фильм «50F». Словакия 13.15 Диванда дўнон 13.40 «Хёт икки-иқриқлар» Телевизиал 14.30 Шайбалири Москва 16.15 «Икселтор Кросс» Детектив сериал 17.30 «Жилванлаган табиат» Телевизиал (Япония) 18.00 Худудлар тўри таларфузи 18.30 Олга юривчилик 19.15 «Гилворский Москва» 19.45 «Горьки» тележурнали 20.15 «Non-stop» мадони 21.00 «УЗУРПАТОРША» Телевизиал 21.50 Шайбалири Москва билан беш далик 22.45 Минтақалар оу минифутил «Дина» (Россия) 23.35 «Бразилия» «Ўзбекистонда ишланган» фильмда 00.20 Оё-оша мультиметради 00.30 Дастур-шоу 01.20 Времокеч 02.00 «23-ошан» Вокзалар Москва халқларида 02.20 Рус аери 03.00 «КНИГИСИЗЛИКЛАР» Комедия (АҚШ) 9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids» «Икселтор Кросс» Мультисериал (АҚШ) 9.30, 19.00 REN TV да «Fox Kids» «Кўкуки» Мультисериал (АҚШ) 10.00, 18.00 REN TV да «Fox Kids» «Қириқ Арту ва кўрмас ва беминат ришлар» 3-сериал 03.50 «Ўз ақли билан» Б. Шар дастури 01.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал

00.45 «Криминал Россия» 01.20 НТВда премьера. С. Кинг романи асосида «Тунги ойна» дахлатлар фильмда. 8.00 Мультисериал программа «Билар, қаерга улканг?» «Каттичи Вилсон» 8.30, 11.30, 13.30, 17.30, 23.30, 5.30 Информацион дастур 8.35 «АРАБЕЛА КАЙТАЙТИ» Болалар уюни телевизиал (Чехия) 17-сериал 9.05 «Очи йил» Мусий дастур 9.20 Фан янгиликлари 9.35 Мультисериал «Павирисун саргузаштлари» (Франция) 6-сериал 10.00 «Одамлар ва дарлар» Сериал (Франция) 10.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал 11.35 XX аср кинематографи. Бадий фильм «50F». Словакия 13.15 Диванда дўнон 13.40 «Хёт икки-иқриқлар» Телевизиал 14.30 Шайбалири Москва 16.15 «Икселтор Кросс» Детектив сериал 17.30 «Жилванлаган табиат» Телевизиал (Япония) 18.00 Худудлар тўри таларфузи 18.30 Олга юривчилик 19.15 «Гилворский Москва» 19.45 «Горьки» тележурнали 20.15 «Non-stop» мадони 21.00 «УЗУРПАТОРША» Телевизиал 21.50 Шайбалири Москва билан беш далик 22.45 Минтақалар оу минифутил «Дина» (Россия) 23.35 «Бразилия» «Ўзбекистонда ишланган» фильмда 00.20 Оё-оша мультиметради 00.30 Дастур-шоу 01.20 Времокеч 02.00 «23-ошан» Вокзалар Москва халқларида 02.20 Рус аери 03.00 «КНИГИСИЗЛИКЛАР» Комедия (АҚШ) 9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids» «Икселтор Кросс» Мультисериал (АҚШ) 9.30, 19.00 REN TV да «Fox Kids» «Кўкуки» Мультисериал (АҚШ) 10.00, 18.00 REN TV да «Fox Kids» «Қириқ Арту ва кўрмас ва беминат ришлар» 3-сериал 03.50 «Ўз ақли билан» Б. Шар дастури 01.50 «УМБЕРО ЦИРКИ» Телевизиал (Чехия) 3-сериал

Kids «Чумолилар» Мультисериал (АҚШ) 11.00, 18.00, 20.00, 24.00 «Янгиликлар дастури» 11.15 Телевизиал 11.30 «Чирок ва сон» Бадий фильмда 16.55 Факат аёллар уюни 07.25 «Муҳаббатли сабоқлар» «Фавваля билан» 07.35 Қўшиқ 14.30 Тасодифий уюви 15.15 Телевизиал 14.45 REN TV 10-ишда 15.45 «БЕШИНЧИ БУРЧАК» Телевизиал 17.00 «СИМПОЛОНАР» Телевизиал (АҚШ) 19.55 «Икселтор Кросс» Теленовелла (Перу-АҚШ) 22.00 «СИМПОЛОНАР» Мультисериал 22.30 Кино: «ЖЕК ТСОЗЛОВ-ЧИ» Жангари фильм (АҚШ) 00.40 «Махфий материаллар» Телевизиал (АҚШ) «Кино»: «Ўзми бўсан» Триллер (Канада) 01.50 REN TVда хужжатли фильмда 02.30 Метро 02.45 Кино: «СОНАТИНА» Жангари фильм (Япония) 3.00, 15.00 «Канди-Канди» Мультисериал 3.30, 12.00 «ЧЕГАРАДА» Сериал 4.00, 12.30 «Сирларимиз ваи» Сериал 5.00 «Тулпарнинг саргузаштлари» Мультисериал (АҚШ) 19.55 5.55 Мультисериаллар 7.15 «Майми Саид» Сериал 8.20 Диванда дўнон 8.30 «Сенора» Сериал 9.00, 9.30 Телевизиал 9.05 ТНВда ишланган 10.05 Янги уш мураббат! 10.30 «Қанлилар қирқилмаси» Сериал 11.30 Мультисериал «Топиқлар бораси» 13.30 «Бойки Америка» Хужжатли сериал 14.00 «Мен Лоисин севаман» Комедия 14.30 «Икселтор Кросс» Телевизиал 15.25 «Жинот жойи: Франкфурт» 3-фильм «Балж бошдан чирийди» 16.20 «Сегондано» 17.25, 19.30 «Улкан янгиликлар» П.Глобонинг муажжамлик башорати 17.30 Ток-шоу 18.55 Янгири камера билан 19.15 ТНВда ишланган 19.30 «УРГИМАК» Эротик триллер (Латвия, 1992)

Шанба

3

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Аборт» 8.35, 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи 8.55, 11.05 ТВ мөтөө 9.00 «Ҳудод сари» 9.20 «Эйнат» 9.35 «Шарҳи ва Жорж» Мультисериал 10.25 «Бахтимизга омон бўлинг» 10.45 «Масрифат» Телевизаманх «Тирки сайраси» кинодастури 11.10 «Мовий уммон қасида» Хужжатли фильм, 5-кисм 12.00 «Қириқлар» болаларга-С. Барноев 12.30 Спорт шанбадан шанбага» 12.50 «Аборт» плас 13.00 ТВ-1 киноэтарти: «Тошда хан дархат ўсади» Бадий фильм, 1-кисм 14.05 «Дўстлик» видеокасида «Мехрикан», «Жагинон» 14.25 «Тошда хан дархат ўсади» Бадий фильм, 2-кисм 15.40 «Давирим Ўзбекистонда» 16.05 ТВ аниме 16.10 «Сохиқирон» Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-кисм 17.30 «Мухаббат майдони» Телевизиал уюни 18.05 «Дўстлик» Кинокўрсатув 18.45 «Мусика: кеча ва бугун» 19.25 «Санат олами» 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Аборт» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталари 20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Аборт» 21.05 «Ўна ва бол» Дахлат дастури — «Менга» «Солгон элқид» Бу бокини навоқисил 21.25 «Отлар сўзи — авлиқни қиз» 22.40 «Шанба оқида» 23.05 «Аборт» «Тунги Ўйду» кинодастури: 23.40 «Самодий поилар» Бадий фильм, 1-кисм 1.15-1.20 Ватан тилмолари

